

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ

РАЗИКОВ ОДИЛ ТАХИРДЖАНОВИЧ

**ЗАРАФШОН-ОЛОЙ КАМАРИ ОЛТИН-НОДИР МЕТАЛЛИ ВА НОДИР
МЕТАЛЛИ МАЪДАНЛАШУВИНИНГ МЕТАЛЛОГЕНИЯСИ
(ЎЗБЕКИСТОН)**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси,
уларни қидириш ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**Геология-минералогия фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2022

Фан доктори диссертацияси автореферати мундарижаси (DSc)
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of abstract dissertation of doctor of science (DSc)

Разиков Одил Тахирджанович

Зарафшон-Олой камари олтин-нодир метали ва нодир метали
маъданлашувининг металлогенияси Ўзбекистон)..... 3

Разиков Одил Тахирджанович

Металлогения золото-редкометалльного и редкометалльного
оруденения Зеравшано-Алайского пояса (Узбекистан)..... 25

Razikov Odil Tahirdjanovich

Metallogeny of gold-raldmetal and raremetal deposits of
Zerafshano-Alai belt (Uzbekistan)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ

РАЗИКОВ ОДИЛ ТАХИРДЖАНОВИЧ

**ЗАРАФШОН-ОЛОЙ КАМАРИ ОЛТИН-НОДИР МЕТАЛЛИ ВА НОДИР
МЕТАЛЛИ МАЪДАНЛАШУВИНИНГ МЕТАЛЛОГЕНИЯСИ
(ЎЗБЕКИСТОН)**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**Геология-минералогия фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/GM48 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси «Минерал ресурслар институти» давлат муассасасида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.gpimr.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Акбаров Хабибулла Асатович геология-минералогия фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	Туранов Мирали Камалович геология-минералогия фанлари доктори, профессор Нурходжаев Анвар Караходжаевич геология-минералогия фанлари доктори Антонов Александр Евгеньевич геология-минералогия фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон миллий университети

Диссертация химояси «Минерал ресурслар институти» ДМ хузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «25» февраль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49; факс (99871) 140-08-12. e-mail: info@gpimr.uz; gpimr@exat.uz).

Диссертация билан «Минерал ресурслар институти» ДМ нинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел. (99871) 256-13-49)

Диссертация автореферати 2022 йил «8» февраль куни тарқатилди.

(2022 йил «8» февралдаги 7 - рақамли реестр баённомаси).



М.У.Исоқов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

Н.М.Хакбердиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, г.-м.ф. фалсафа доктори (PhD)

М.М.Пирназаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, г.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё амалиётида, фойдали қазилмалар геологиясини ўрганиш тарихининг барча даврларида маъданлашувнинг магматизм билан генетик боғлиқлигини ҳамда қамровчи тоғ жинсларини маъданлашувнинг шаклланиши ва жойлашувидаги ролини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, бутун дунёда фойдали қазилма конларини излаб топиш, қолаверса, юқоридаги масалаларни ҳал этишда кенг қўлланиладиган усуллардан бири минералогик-геокимёвий тадқиқот усуллари ҳисобланади.

Қамровчи тоғ жинслари ва магматизм шаклланиши билан боғлиқ бўлган маъданлашувнинг ўзига хос турли туманлиги ва мураккаблиги, шунингдек маъданларнинг ихтисослашуви қамровчи тоғ жинсларининг таркибига ва маъдан ҳосил қилувчи флюидларга боғлиқлиги боис ажралиб туради.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида геология фанининг устувор йўналишларидан бири космоструктуравий объектларни ҳамда уларни фойдали қазилмалар билан алоқадорлигини ўрганиш, маъдан жойлашувининг тоғ жинслари таркибига, маъдан таналарини ҳосил бўлишида геологик-структуравий шароитларга боғлиқлигини аниқлаш, компьютерда статистик қайта ишлаш орқали истиқболли участкалар ажратиш ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, металлогеник камарлар ҳудудида фойдали қазилмаларга оид (олтин, нодир металлар ва бошқа камёб ер элементлари) башоратлаш майдонларини аниқлашга, минерал хом-ашё базасини кенгайтиришга ҳамда республикада янги типдаги конларни очишга хизмат қилади.

Республикада геология соҳасини ривожлантириш ва тубдан модернизация қилишда маълум ютуқларга эришилди, жумладан, 260 дан ортиқ маъдан, номаъдан ва гидроминерал хом-ашёлар конларининг захиралари тасдиқланди, нодир металлар, камёб ер элементларга, ноанъанавий турдаги уран маъданлашувига кенг миқёсида геология-қидирув ишлари йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «табiiй, минерал-хомашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш»¹ вазифалари белгиланган. Шу муносабат билан юқори технологияларни қўллаш орқали статистик металлогеник баҳолаш бўйича Республиканинг маъданли минтақаларида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш соҳа олдидаги устувор ва долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3578-сон, 2020 йил 8 июндаги «Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида геология фанлари

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони.

университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4740-сон ва 2021 йил 21 апрелдаги «Геология соҳасига инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал-хом ашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5083-сон қарорларида шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VIII - «Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишлари талабларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Бурмаланган тизимларнинг металлогеник аҳамиятини аниқлашга йўналтирилган кенг миқёсдаги илмий тадқиқотлар етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан: U.S. Geological Survey (АҚШ); Centre for Global Metallogeny (Австралия); Нодир элементлар минералогияси ва геохимёси институти (ИМГРЭ, Россия); Умумроссия минерал хом ашёлари институти (ВИМС, Россия); Societe geologique de France (Франция); Centre for Russian and Central Euro Asian Mineral Studies (Буюк Британия); Geological Survey of Canada (Канада); Chinese Academy of Geological Sciences (Хитой); И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети (ТДТУ, Ўзбекистон); Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти (Ўзбекистон); Минерал ресурслар институтида (Ўзбекистон) амалга оширилмоқда.

Маъданлашувни жойлашиш омиллари ва металлогениясини ўрганиш муаммоси бўйича бир қатор илмий амалий натижаларга эришилган, жумладан: магматизм эволюциясининг пульсацион характери аниқланган (Societe geologique de France, Франция); нордон магматизм билан боғлиқ кечки магматик нодирметалли конларнинг шаклланиш назарияси ишлаб чиқилган (Маъдан конлари геологияси, петрографияси, минералогияси ва геохимёси институти, ИГЭМ, Россия) ва мантия тубидан плюмларнинг кўтарилиши натижасида литосферада уни қиздирувчи плиталар ичи магматизми «иссиқ нуқталар» тарзида ифодаланиши аниқланган (Chinese Academy of Geological Sciences, Хитой).

Бугунги кунда дунёда олтин-нодир металли ва нодир металли маъданлашувнинг металлогенияси каби устувор йўналишлар бўйича илмий-амалий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, интрузив магматизм маҳсулотларини минералогик ва геохимёвий хусусиятларини ўрганиш, минерал ташувчиларнинг учраш шакллари ва моддий таркибини, элементларнинг маъдан ҳосил қилувчи флюид ва эриган микроқўшимчаларини аниқлаш ҳамда генетик моделини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

²Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотлари шарҳи қуйидагилар асосида амалга оширилган: <http://www.Elscvier.com>; www.geokniga.org; www.MantlepluiTies.org; www.eariiplumes.org; <http://www.researchgate.net>; www.gei-earth.com ва бошқалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Худуднинг геологик тузилиши, чўкинди ва магматик тоғ жинсларининг тавсифи, маъданларнинг пайдо бўлиш шароитлари ва жойлашиш қонуниятларини, Зарафшон-Олой камарининг Жанубий Тянь-Шань зонасидаги вольфрам, олтин ва уран маъданли конларнинг моддий таркибини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар кўплаб олимлар, шу жумладан Х.М.Абдуллаев, И.Ҳ.Ҳамрабаев, В.П.Федорчук, Х.Н.Баймухамедов, К.Л.Бабаев, В.Г.Гарьковец, И.М.Мирходжаев, В.А.Королев, И.М.Голованов, Р.Х.Миркамалов, В.Я.Зималина, М.У.Исоков, В.Д.Цой, Х.А.Акбаров, Р.Ахунджонов, М.А.Аҳмеджанов, М.К.Турапов, М.С.Карабаев, М.М.Пирназаров, О.М.Борисов, Т.Н.Далимов, Ф.К.Диваев, А.К.Бухарин, Я.Б.Айсанов, А.Е.Антонов, В.Н.Ушаков, Х.К.Каримов, Ю.Ф.Корсаков, И.Г.Печёнкин, Ф.А.Усманов, Т.М.Марипов, С.Т.Марипова, Б.И.Мирходжаев, Л.Р.Содиқова, Р.И.Конеев, А.Халилов, А.К.Нурходжаев, О.Т.Зокиров ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Бунда асосий эътибор ҳосилаларнинг генетик моделлари, маъданлашувнинг жойлашиш шароитлари, космик тасвирларни тафсирлаш ва ГАТ-технологияларга қаратилган. Яқунда маъданлашув жойлашуви ва қамровчи тоғ жинсларининг ўзига хос хусусиятларида магматик ҳосилаларнинг аҳамияти, уларнинг олтин маъданли, вольфрам ва уран конларининг намоён бўлишдаги роли аниқланган.

Эришилган илмий натижаларга қарамасдан, минералогик, геохимёвий, литологик-структуравий жойлашиш шароитлари, маъданлашувнинг магматик ҳосилалар билан алоқадорлиги, шунингдек маъдан ҳосил қилувчи манбалар, маъдан қамровчи тоғ жинслари ва унинг маъдан атрофидаги ўзгарган тоғ жинсларининг моддий минералогик таркиби масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган. Интрузив ҳосилалар ва қамровчи муҳитнинг маъданлашув жойлашиши, метасоматик ўзгариш ва маъданлар типи (ассоциациялар), маъданли таналарнинг вертикал, горизонтал кесимларда тақсимланиши, шунингдек улар билан бирга учровчи геохимёвий ореоллар ҳосил бўлиш жараёнларидаги аҳамиятини баҳолаш ҳозирга қадар муаммолигича қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишлари режасининг 23/15-сонли «Ғарбий Ўзбекистонда фойдали қазилма конларининг ҳосил бўлиши жараёнлари ва жойлашиш қонунияти» лойиҳаси (2015-2018), 15/17-сонли «Шлихли намуналарни, протолочкаларнинг ярим микдорий қисқартирилган минералогик таҳлили, шлифлар ҳамда аншлифлар баёни» (2017-2019) ва ПЗ-20170925309-сонли «Қоратеп-Чақилкалон минтақасининг апометатерриген ва апогранит вольфрамли маъданлашув тўпланишининг геодинамик вазияти, литологик-структуравий шароитлари ва моддий таркиби ҳамда яширин маъданлашувни баҳолаш мезонлари» (2018-2020) ҳамда Минерал ресурслар институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Илгарилама ихтисослаштирилган қидириш ишларини йўлга қўйиш учун истиқболли майдонларни ажратган ҳолда Қулжуктоғ тоғ-маъданли районининг асл, нодир

металлар ва бошқа хил маъданлашувларга истиқболлилигини асослаш» (2016-2020) илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотларнинг мақсади замонавий геоахборот тизим (ГАТ) технологиялари ва моделлаштириш асосида олтин ва нодир металл маъданлашувнинг шаклланиш қонуниятлари ва жойланиш шароитларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

минтақанинг магматик ҳосилалари ва маъдан қамровчи тоғ жинсларининг геологик ўрнини, минералогик-геокимёвий хусусиятларини ўрганиш;

маъданни жойлашувининг тоғ жинслари таркиби ва физик хусусиятларига боғлиқлигини ҳамда маъдан таналарини ҳосил бўлишида геологик-структуравий шароитлар;

маъдандор эритмаларнинг (флюидларнинг) таркибини аниқлаш ва уларни қамровчи тоғ жинсларининг жойланиш ва физик-кимёвий шароитларини аниқлаш;

Ерни масофадан зондлаш (ЕМЗ) материалларини дешифровка қилишнинг комплекс усулларини қўллаш орқали космогеологик тадқиқот натижаларини умумлаштириб олтин ва нодир металл маъданлашувга истиқболлини аниқлаш қулай геологик-структуравий позицияларни ажратиш;

статистик компьютерда қайта ишлаш усулларда маъданлашувни баҳолаш ва истиқболли майдонларни ажратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олтин маъданли ва нодир металл маъданлашувга эга Зарафшон-Олой металлогеник камари танланган.

Тадқиқотнинг предмети – эндоген маъданлашув, маъдан қамровчи геологик ҳосилалар, кимёвий элементлар минераллар, структуралар.

Тадқиқотнинг усуллари. Фонд материалларини таҳлил қилиш, йиғиш ва умумлаштириш, структуравий, минералогик, геокимёвий тадқиқот усуллари; космик тасвирларни дешифровка қилиш усуллари (World View-3, Landsat 7, Aster, Quick Bird) – кирш, собель, АСР, ITS, Min Comp ва бошқалар, геологик ахборотни қайта ишлашнинг компьютер усуллари, масс-спектрометрик тадқиқотлар (ISP-MS), нейтронларни фаоллаштириш ва элементларнинг таркибини рентген нурланишида ўрганилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маъданлашувнинг магматик ҳосилаларни пульсацион таъсирдан кўп босқичда шаклланиши асосланган ҳамда маъданли магматик тизимлар ва уларнинг қамровчи тоғ жинслари билан алоқадорлигини генетик модели ишлаб чиқилган;

маъдандор эритмаларнинг таркиби аниқланган ва маъданлашувни жойланиш шароитлари тўғрисидаги физик-кимёвий маълумотлар олинган;

тажрибалар орқали скарн-маъданли конлар учун маъданлашувнинг жойлашуви, нейтралга яқин кучсиз нордон шароитларда хлорит-сульфатли эритмаларини юқори фаоллиги чоғида содир бўлиши аниқланган;

қидирув-баҳолаш мезонларининг ўзига хос комплекслари ажратилган, Зарафшон-Олой металлогеник камари олтин ва нодир металл маъданлашувига

локал башорат қилинган ва истиқболли участкаларни ажратиш мақсадида уларга компьютерда статистик ишлов берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

структуравий жиҳатдан ташлама-узилма-силжиш деформация устунлик қилган маъдан қамровчи зоналарнинг маъданлашув тўпланиши учун истиқболли эканлиги аниқланган;

маъдан жамланишида кўмир кислотаси (H_2CO_3) муҳим аҳамиятга эга; тадқиқотлар натижаларига кўра натрий, хлор-сульфат эритмалари нордон шароитларга яқин ҳолларда тўпланиши аниқланган;

маъданлашувнинг ўзига хос литологик, магматик, структуравий-тектоник, минералогик-геокимёвий, термобарогеокимёвий комплекслари ва кидирув-баҳолаш мезонлари ажратилган;

замонавий компьютер геоахборот тизимларидан фойдаланиб Зарафшон-Олой металлогеник камарининг рақамли металлогеник харитаси тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Геологик-структуравий, минералогик-геокимёвий, магматик, термобарогеокимёвий тадқиқотлар натижаларининг ишончилиги замонавий усуллардан фойдаланилгани билан изоҳланиб улар Давлат стандарти асосида текширувдан ўтказилган, аттестациядан ўтган лабораторияларда олинган таҳлилий маълумотларга асосланган. Айрим таҳлиллар рентгенофлуоресцентли и нейтронно-активационли услублар билан текширилган. «Jeol-8800» электрон микроанализаторда 30 та микрозондли таҳлиллар амалга оширилган. Маҳаллий таҳлилнинг ядро-физикавий усули билан 40 дан ортиқ анализ Ўзбекистон Республикаси ФА Ядро физикаси институтининг ядро реакторида нейтрон-активацион автордиография, элементларнинг ялпи концентрациясини аниқлаш усуллари билан бирга бажарилган. 600 та мономинералларда декрепитацион таҳлил ўтказилган. 500 дан ортиқ минерал пластиналарида газ-суюқлик қўшимчаларининг тавсифи ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Зарафшон-Олой металлогеник камаридаги маъданлар интрузив ҳосилалар билан генетик ва парагенетик боғлиқлиги, қамровчи тоғ жинсларининг роли, маъданли эритмаларнинг таркиби ҳамда маъдан ҳосил бўлиши шарт-шароитлари тўғрисида физик-кимёвий маълумотлар аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Зарафшон-Олой металлогеник камарини математик таҳлил қилиш усули билан 1:200000 миқёсда фойдали қазилмаларни (олтин, уран, волфрам, симоб ва бошқалар) башоратлаш харитаси тузилганлиги, маъданлашувни металлогеник баҳолаш ҳамда Зарафшон-Олой истиқболли майдонларини ажратиш бўйича ишлар амалга оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг жорий қилиниши. Зарафшон-Олой камарининг олтин ва нодир металл маъданлашуви металлогенияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маъданли эритмаларнинг аниқланган таркиби ва маъданлар ҳамда қамровчи тоғ жинсларининг жойлашиш шарт-шароитлари тўғрисидаги баъзи

физик-кимёвий маълумотлар «Уранкамёбметгеология» АЖ амалиётига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2021 йил 13 апрелдаги 02/22-сон маълумотномаси). Натижада, Зарафшон-Олой металлогеник камарида маъдан ҳосил бўлиш жараёнларини тавсифлаш имконини берган;

Зарафшон-Олой металлогеник камари маъданли фойдали қазилмалар майдонларининг (олтин, симоб, камёб ер элементлари) 1:200000 миқёсдаги башоратлаш-истикболли майдонлар харитаси «Уранкамёбметгеология» АЖ амалиётига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2021 йил 13 апрелдаги 02/22-сон маълумотномаси). Натижада, нодир, олтин-нодир метали, камёб ер метали конларни аниқлашда геологик-қидирув ишларини олиб боришга оид излаш ишларини кенгайтириш имконини берган;

олтин-нодир металл ва уран маъданлашувининг литологик, магматик, структуравий-тектоник, минералогик-геокимёвий, термобарогеокимёвий ва бошқа қидирув-баҳолаш мезонларининг ўзига хос комплекслари «Уранкамёбметгеология» АЖ амалиётига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2021 йил 13 апрелдаги 02/22-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Республикаси минерал хомашё базасини ривожлантириш ва кўпайтириш давлат дастурига киритилган объектларни янада оқилона танлашга имкон берган;

йирик миқёсли (ягона координата тизимига боғланган) космик тасвирлардан фойдаланган ҳолда дастлабки батафсил геоструктуравий хариталаш ишларини олиб бориш бўйича тавсиялар «Уранкамёбметгеология» АЖ амалиётига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2021 йил 13 апрелдаги 02/22-сон маълумотномаси). Натижада, структуранинг тафсилотларини ечиб бериш, шунингдек, истикболли майдонларда бурғилаш кудуқларини ўрнини белгилаш имконини берган;

Чақилкалон-Қоратепа, Зирабулоқ-Зиёвуддин ва Кулжуктов маъдандор комплексларнинг баҳоланган металлогеник салоҳияти «Уранкамёбметгеология» АЖ амалиётига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2021 йил 13 апрелдаги 02/22-сон маълумотномаси). Натижада, Зарафшон-Олой металлогеник камарининг маъданли фойдали қазилмаларга оид (олтин, нодир, камёб ер металлар ва бошқа элементлар) минерал-хомашё базасини кенгайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.


Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 35 та илмий ишлар чоп этилган. Улардан 17 таси ихтисослаштирилган илмий журналларда (10 таси чет элда), 18 таси халқаро ва республика кенгашлари ва конференцияларининг тезислари тўпламларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 бет, 26 та расм, 8 та жадвал, 9 та диаграмма ва 3 та моделдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблилиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети асосланган, тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилиб, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти ва таҳлиллар натижаларини амалиётга жорий қилиниши изоҳланган, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Зарафшон-Олой металлогеник камарининг геологик тузилиши**» деб номланган биринчи боби биз ўрганётган Чақилкалон-Қоратепа, Зирабулоқ-Зиёвуддин ва Қулжуктоғ маъданли комплекси Жанубий Тянь-Шань структуравий-формацион зонасига М.А.Аҳмеджанов ва б., (1975). Р.Х.Миркамалов ва б. (2016) бўйича эса Жанубий Тянь-Шань бурмаланиш тизимига киради. В.Г.Гарьковец (1968), Ҳ.Н.Боймухамедов ва бошқаларнинг (1981) металлогеник районлаштириш схемаси бўйича (1-расм) Зарафшон-Олой камарига тааллуқли.



1-расм. Ғарбий Ўзбекистоннинг геологик тузилиши ва металлогения схемаси

Шартлий белгилар:

Ўтқизиклар: 1-мезо-кайнозой; 2-перм; 3-кўмир; 4-девон - кўмир; 5-девон; 6-силур; 7-ордовик; 8-кембри; 9 –қўйи палеозой; 10-токембрий. **Гранитоид массивлари:** 11-эрта-ўрта кўмир комплекси; 12 -кеч-кўмир комплекси; 13-геологик туташган чегара; 14-ёриқликлар. **Чуқур ёриқликлар:** 15-(расимдаги сонлар): 1-Шимолий Буқантоғ, 2-Бесапан-Шимолий-Нурота, 3-Овминза-Қулжуктоғ, 4-Сангрунтоғ, 5-Хисор-Чимкент. **Секторлар:** 16-Қизилқум, 17-Нурата-Зирабулак-Қоратепа; 18-**Жанубий Тянь-Шань структура-формацион зоналари:** I-Шимолий-Буқантоғ камари, II-Туркистоно-Олой камари, III-Зарафшон-Туркистонкамари, IV-Зарафшон - Олой камари, V-Жанубий Буқантоғ камари, VI - Жанубий Олой камари; 19-тогерцин бурмаланиш қатламининг ўтқизиклари

Р.Х.Миркамалов ва б. (2016) мазкур зонани Жанубий-Ғарбий Тянь-Шань минерагеник камарига (Жанубий Ҳисор зонаси) киритганлар. Б.С.Нуртаев

(2016) бўйича Жанубий Тянь-Шаннинг офиолит камарининг жойлашиш схемасида Қулжуктоғ-Зирабулак-Қоратепа камарида ажратди. Кўриб чиқиладиган ҳудудда М.А.Аҳмеджонов ва б. (1967) томонидан олтин, вольфрам, молибден, қалайи, симоб, марганец, никель ва бошқа фойдали қазилмалар жойлашган каледонгача, каледон ва герцин структуравий қаватлари ажратилган. 1) каледонгача шакиллланган қават – рифей ётқизиклари билан ифодаланади; 2) каледон – кембрий, ордовик, силур ва девон тоғ жинслари билан; 3) герцин – селур ва девон бошланиши, девон-ўрта карбон ва ўрта карбон - перм бошланиши. Р.Х.Миркамалов ва б. (2016) ҳозирги тушунчаси бўйича: 1) токембрийга фундаменти – «рифей-қадам», ёши – кечки рифей, рифей-венд; 2) каледон кембрий - ордовик ўртаси – ордовик охири-силур бошланиши; 3) герцин - силурнинг бошланиши-девоннинг бошланиши, девон – ўрта карбон ва ўрта карбон-пермнинг бошланиши.

Ҳудуднинг чўкинди тоғ жинслари регионал (чуқурликнинг яшил сланецли фацияси), контактли (роговиклар, мармарлар) метаморфизм ва метасоматизм процесслари туфайли ўзгарди (скарнлар, грейзенлар, пегматитлар ва б.). Биз ўрганаётган Зарафшон-Олой металлогеник камари ҳудудини ўз ичига олган Тянь-Шань доирасида Ҳ.А.Акбаров ва б. (2009) қамровчи тоғ жинсларининг олтига геологик-генетик формациялар ажратилган: сланецли, карбонатли, карбонат-терригенли, вулқоноген, интрузив ва контакт-метаморфик.

Иккинчи боб «Зарафшон-Олой металлогеник камаридаги конларда маъданларни жойлашишда интрузив ҳосилаларнинг ва қамровчи тоғ жинсларининг роли» деб номланади. Магматик ҳосилалари муфассал тавсифланган, улар бир неча йиллар давомида А.С.Аделунг, Ҳ.Н.Боймухамедов, Е.И.Барковская, Э.С.Сорокин, Э.П.Изохом, Н.А.Лосев, Г.К.Ляшенко, И.В.Мушкин, А.Ф.Свириденко, И.Ҳ.Ҳамробоёв, Р.Охунжонов, У.Д.Мамарозиқов, Ҳ.Раҳматуллаев, Ф.К.Диваев ва бошқалар томонидан ўрганилган. Бироқ, ҳал қилинмаган масалалар орасида маъданлашиш манбалари, уларни магматизм билан алоқаси, постмагматик эритмаларнинг табиати, металлогеник ихтисослашиш сабаблари, маъдан ҳосил қилувчи жараёнларнинг фацияси, вулқоноген, метаморфоген-гидротермал конлар шаклланиши ва бошқа тегишли масалалар мавжуд. Плутоноген, вулқоноген-чўкинди, вулқоноген-гидротермал, метаморфоген-гидротермал қаторидаги фойдали қазилмаларнинг ҳосил бўлиши схемаси таҳлил қилинди, олтин-нодир металл, скарн-нодир металл, қалайи-вольфрамли конларнинг геологик-генетик хусусиятларига, уларни башорат қилиш ва излаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Макон ва замон муносабатида базальтсимонли магматизм билан боғланган бўлган скарн-қалайи-магнетитли ва гидротермал-қалайи-магнетитли маъданлашув груҳи, гранитоид магматизмининг оқибати ҳисобланган қалайи ва вольфрам скарн ва апогранит-пегмати-гидротермал маъданлашуви ажратилди. Гранит, сланец ва карбонатли тоғ жинсларидаги потенциал вольфрамдор эритмаларда шахсан шеелитли, шеелит-сульфидли, кварц-шеелитли формациялар шакилланади.

Гидротермаларнинг карбонатли муҳит билан ўзаро алоқаси чоғида даставвал шеелитли маъданлашган оҳакли, оҳак-магнезиал ва оҳак-алюмосиликатли скарнлар ҳосил бўлади.

Гидротермал эритмалар потенциал қалайдорлигидан гранитлар ва сланецларда грейзен-касситеритли, кварц-касситеритли ва кварц-турмалин-касситеритли формациялар шаклланади. Вольфрамли гидротермал флюидлар сланецли муҳитда грейзен-кварц-вольфрамитли ва кварц-вольфрамитли маъданлашиш формацияларини ҳосил қилади. Янада юқори ҳароратли шароитларда қуйидаги бошқа формациялар - апогранитово-грейзен-касситеритли, пегматит-грейзен-касситеритли, грейзен-касситеритли, грейзен-кварц-касситеритли, пегматит-грейзен-вольфрамитли ва грейзен-вольфрамитли формациялар ҳосил бўлади.

Табий шароитларда геохимёвий ассоциацияси билан бир қаторда қалайи ва вольфрам скарн ҳамда томирларида уларнинг скарн-касситерит-шеелитли, скарн-шеелит-молибденитли, скарно-қалайи-полиметалли, кварц-касситерит-вольфрамитли ва бошқа формацияларни намоёнларини ҳосил қилиши билан молибден, олтин, кўрғошин, рух ва бошқа ассоциациялари кузатилади.

Гранитли комплекс ҳосил бўлиш жараёнида кварц, калийли дала шпати (микроклин), мусковит ва қалайи концентрацияси (касситерит), вольфрам (шеелит ва вольфрамит)нинг юқори миқдорлари билан тавсифланади. Икки слюдали гранитлар аксессуарли касситеритни, лейкократли гранитлар эса – вольфрамит, касситерит, турмалин ва бошқаларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, айрим массивларда касситеритли маъданлашув билан жадал грейзенлашиш қайд этилади (Лапас намоёни).

Олтин, вольфрам, молибден, қалайи, симоб, марганец, никель ва бошқа фойдали қазилмалар конлари ҳосил бўлиши геологик муҳит, эритмаларнинг ихтисослиги ва термодинамик шарт-шароитларга боғлиқ. Геологик муҳит (қамровчи тоғ жинсларининг) маъдан ҳосил бўлишидаги роли кўплаб тадқиқотчилар ишида ёритилган. Бироқ, геологик муҳит тушунчасини (Ҳ.М.Абдуллаев, И.Ҳ.Ҳамробоев, Қ.Л.Бобоев, А.В.Королев, Ҳ.А.Акбаров ва б.) турли тадқиқотчилар турлича изоҳлайдилар. Баъзи тадқиқотчилар геологик муҳит тушунчасига тоғ жинслари ва структураларнинг хоссаларини, бошқалари – қамровчи тоғ жинсларининг физик-кимёвий таркибини, учинчи олимлар эса қамровчи жинсларни магма билан ассимиляциясини ва уларнинг турли магматик тоғ жинслари ва маъданли конлар ҳосил бўлишидаги ролини киритадилар. Ўз вақтида А.В.Королев ва б. томонидан қамровчи тоғ жинсларининг физик-механик хоссалари ҳамда Ўрта Осиёнинг гидротермал конлари ҳосил бўлишида структуралари муҳим аҳамиятга эгаллигини қайд этилган. В.А.Кузнецов, В.П.Федорчук, Р.Р.Исанов, Н.А.Никифоров ва б. томонидан қамровчи тоғ жинсларининг литологик таркибига, дунёдаги симоб-сурьма конлари жойлашишида турли хилдаги структураларга катта эътибор қаратилган. Ҳ.М.Абдуллаев ва б. томонидан Ўрта Осиёнинг шеелитли скарнлари ҳосил бўлиши ва жойлашишида карбонатли жинсларининг етакчи ўрин тутиши қайд этилган. В.И.Смирновнинг «СССРнинг маъданли конлари» ишида қора, рангли,

нодир ва асл металл конларининг ҳар ҳил турлари ва формациялари борасида қамровчи тоғ жинслар ва структураларига аҳамияти берилган.

Олиб борилган тадқиқотлар ва маъдан ҳосил бўлиш назариясини ҳамда фойдали қазилмаларни прогноз қилиш методикасини такомиллаштириш бўйича амалдаги тушунчаларни умумлаштириш, фойдали қазилмалар конларининг плутоноген, вулқоноген-чўкинди, вулқоноген-гидротермал, метаморфоген-гидротермал қаторидаги фойдали қазилмаларнинг саноат турлари ва формацияларини аниқлаш имконини берди.

Маъданли минералларнинг жамланиши, эрта ишқорлининг охирида, нордон ва кечки босқичга ўтиши мобайнида содир бўлади. Бироқ касситерит, вольфрамит ва шеелитнинг асосий массаси нордон босқичда ажралади. Биринчи қаторнинг апогранит-грейзен-касситеритли (4-7 км) ҳосилаларнинг нисбатан чуқурда жойлашганлиги ва грейзен-кварц-касситеритли, кварц-касситеритли, кварц-вольфрамитли формациялар чуқурлигининг турличалиги ва иккинчи қаторнинг скарн-грейзен-шеелитли формацияларининг кам чуқурлиги (1-4 км) аниқланади.

«Маъданлашишнинг жойлашиши ва ҳосил бўлишининг генетик моделлари» деб номланган учинчи бобда маъданли худудлар ва провинцияларнинг пайдо бўлиш шароитлари, маъданлашувни жойлашиш қонуниятлари кўриб чиқилган. Мис, кўрғошин, рух, қалайи, вольфрам, молибден, симоб, олтин, кумуш каби металл конларининг генетик турлари ва формациялари аниқланган. Улар турли геологик муҳитда, макон ва вақт мобайнида пайдо бўлган ва Тянь-Шаннинг металлогеник камарлари, провинциялари, зоналари ҳамда маъданли районларини ҳосил қилади.

Ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ В.А.Обручев (1934) тадқиқотлари натижалари бўйича эндоген маъдан ҳосил бўлиш моделини яратган.

Нодир, рангли металл ва олтиннинг пегматитли, грейзенли, скарнли, гидротермал конларини тадқиқ қилиш билан конларнинг генетик формациялари ҳосил бўлишида геологик муҳитнинг муҳим аҳамияти аниқланган. Геологик муҳит эндоген маъданлашиш формацияларининг генетик турлари ҳосил бўлиши ва жойлашишида энг асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Маълум бир литологик-петрографик таркибдаги тоғ жинслари маълум бир турдаги бурмали ва ташлама-узилмали структуралар билан бирга геологик муҳитни ҳосил қилади. Бошқача айтганда, бу эндоген конлар ҳосил бўладиган ва жойлашадиган энг қулай жой.

Юқори ҳароратли шароитларда алюмосиликат таркибли тоғ жинсларида грейзен-вольфрамитли, кварц-вольфрамитли ва б. формациялар ҳосил бўлади. Паст ҳароратли гидротермал шароитларда эритмаларнинг қалайилдорлигида алюмосиликатли муҳитда карбонат-касситеритли, кварц-карбонат-касситеритли, кварц-касситеритли, кварц-хлорит-касситеритли, кварц-турмалин-касситеритли формациялар ҳосил бўлади.

Шу сингари мис, кўрғошин, рух, олтин ва б. даҳлдор потенциал маъдандорлигида скарн-мисли, скарн-мис-полиметалли, скарн-мис-олтин маъданли, скарн-қалайи-полиметалли, карбонат-мис-полиметалли, карбонат-полиметалли формациялар карбонат таркибида; кварц-олтин маъданли, кварц-

карбонат-олтин маъданли, кварц-мисли, кварц-полиметалли формациялар алюмосиликат таркибли тоғ жинсларида ҳосил бўлади. Демак ҳарорати ва босими (чуқурликдаги) тенг бўлган шароити турли геологик муҳитларда, турли генетик формациядаги конлар ҳосил бўлади.

Чақилкалан-Қоратепа, Зирабулоқ-Зиёвуддин ва Кулжуктоғ маъданли комплексларида скарн-шеелитли, скарн-молибденит-шеелитли формацияларнинг гранодиоритлар билан; апогранит-касситеритли, грейзен-касситеритли, кварц-касситеритли формацияларнинг лейкократли гранитлар билан; скарн-полиметалли, мис-молибденли, кварц-полиметалли формацияларнинг диорит-гранодиорит таркибли кичик интрузиялар (дайклар) билан, кварц-адуляр-олтин маъданли, олтин-кумушли ҳамда колчедан-полиметалли формацияларнинг вулқоноген ҳосилалар билан узвий боғланиши аниқланган.

Кейинги йилларда олинган кўп сонли геологик маълумотлар ва олинган лабораторияга оид, экспериментал ишланмалар натижалари Зарафшон-Олой металлогеник камарининг эндоген конларидаги пульсацион зоналикнинг келиб чиқиши сабабларини аниқлаш имкониятини берди.

Ушбу бобда шеелитли конлар скарнлари мисолида гранитоид магматизм билан боғлиқ тузилиши, таркиби, ҳосил бўлишининг геологик-генетик моделининг асосий тавсифлари баён қилинган.

Магматик босқичнинг ҳосил бўлиши. Магнезиал скарнлар ва скарноидлар ёш жиҳатдан энг ёш ҳисобланади. Ингичка маъдан майдонида магнезиал ва апомагнезиал скарнлар Зирабулоқ, Тим интрузивларининг шимолий экзоконтактида аниқланган ва улар доломитларда қатлам – ва линзасимон шаклини ҳосил қилувчи диопсидли ҳар хилликлардан иборат. Магматик босқичдаги магнезиал скарнлар, одатда, кечки оҳактошли скарнлар билан аралашган.

Қамровчи тоғ жинслари, оҳактошли скарноидларнинг минерал турларининг турли - туманлигини олдиндан белгилаб берган. Оҳактошли скарноидларнинг кўпроқ ўзига хос бўлган ва кенг тарқалган турлари - кальцит-волластонит-сфенли дала шпати билан; кальцит-цоизит – волластонит; кальцит-волластонит; гранат-диопсид; везувиан-гранат-кальцит ва б. келтирилган.

Ўзгарган магнезиал скарнлар. Қоратепа маъдан майдони доирасидаги магнезиал скарнлар ва скарноидлари билан тавсифланган магматик босқич ҳосилалари оҳактошли скарнлар ҳосил бўладиган босқичнинг бошида эртаишқорли эритмалар таъсири остида гистероген ўзгаришларга учрайди ва қайта «ўзгараган» скарноидлар турларига ўтади (Л.И.Шабинин, 1973).

Апомагнезиал оҳактошли скарнлар постмагматик эритмалар таъсири остида магнезиал скарнларнинг янада жадалроқ ўзгарганлиги кузатилади, бунда ўзгариш жараёни «қайта ўзгарган» турларнинг ҳосил бўлиши билан чекланмайди.

Магнезиал ва апомагнезиал оҳактошли скарнлар оҳактошли скарн формациялардан пироксеннинг миқдори ва оптик хусусиятларининг ўзгарувчанлиги билан фарқ қилади. Улар темирлилик коэффициенти ($f_m = 60-85\%$) бўлган геденбергитли молекула билан ифодаланади; шунингдек,

темирлиги юқори бўлган гранат реликтлари (гроссуляр) учрайди, бунда магнезиал скарнлар ўрнини апомагнезиал оҳактошли скарнлар эгаллайди.

Конларнинг бошқа геологик-генетик турлари:

I. Таушан, Қорақўтон, Янги Давон ва б. конларнинг кварц-олтин-метасоматик моделлари. Генезиси – гидротермал, Янги Давон конининг маъдан жисмлари C_3-P_1 вақтида Зиёвуддин тоғларининг структура - моддий комплексларини қамраб олган тектоник ва гидротермал жараёнлар натижасида шаклланган. В.Д.Цой ва Ш.П.Алимовлар (2017) томонидан илгари қайд этилганидек, кварц-диоритли порфиритлар дайкалари кириб боргач гидротермал жараён (P_1) бошланган.

Кейинги вақтларда олтин маъданли минераллашишнинг метаморфоген генезиси тўғрисидаги фаразлар кенгайиб кетди, унга кўра метаморфизм жараёнида амфиболит фацияси жинсларидан олтин тектоник силжиган зоналар бўйича флюидлар билан олиб чиқилади ва яшил сланецли фациянинг юқорида жойлашган жинслари орасида тўпланади С.Т.Бадалов (2005), В.А.Нарсеев (2005), В.Ф.Проценко (2012), М.М.Пирназаров (2017) ҳам Марказий Қизилқумнинг олтин маъданли конларининг метаморфоген-гидротермал генезиси тўғрисидаги нуқтаи назарни ёқлайдилар.

II. Гранитоидли магматизм билан боғлиқ Тянь-Шаннинг қалайи-вольфрамли маъданлашишининг геологик-генетик моделини яратиш учун Х.Н.Боймухамедов ва б. (1983) томонидан қуйидаги элементларни ўз ичига олувчи постмагматик тизимнинг муайян схемаси ишлаб чиқилган: 1) геологик муҳит – бурмали ва узилмали структураларнинг аниқ турлари билан биргаликда тоғ жинсларининг литологик-петрографик таркиби; 2) гидротермал постмагматик эритмалар, улар қамровчи тоғ жинслар билан ўзаро алоқада маъданли ва томирли конларнинг метасоматик тоғ жинсларининг муайян комплексларини ҳосил қилади.

Тўртинчи боб «**Зарафшон-Олой камарининг асосий маъданлилик хусусияти ва статистик металлогеник баҳолаш**» деб номланади. Ушбу бобда Тянь-Шаннинг маъданли майдонларида рангли, нодир, радиоактив ва асл металлар конларининг апогранит, пегматит, грейзен, плутоноген-гидротермал, вулканоген-гидротермал ва вулканоген-чўкинди формацияларининг жуда ҳам турли-туманлиги аниқланган.

Эндоген маъданлашувнинг магматизм билан алоқасига оид масалалар кўплаб тадқиқотчиларнинг ишларида кўриб чиқилган. Ҳ.М.Абдуллаев томонидан Ўрта Осиёнинг эндоген нодир металли маъданлашувининг интрузиялар билан генетик алоқаси асослаб берилган. Кейинги йилларда олиб борилган петрологик, минерал-геокимёвий ва б. тадқиқотлар билан Ҳ.М.Абдуллаев, Ҳ.Н.Боймухамедов, И.Х.Ҳамробоев каби геолог олимларнинг кўплаб ғояларининг тўғрилигини тасдиқлаганлар.

Магматик комплекслар, металлогеник провинциялар ва маъданли майдонларни геологик-геофизик ва геокимёвий ўрганиш масалалари хилма-хил бўлиб ҳозирга қадар бахс-мунозарали бўлиб қолмоқда. Маъданлашишнинг магматизм билан боғлиқлиги масаласи етарли даражада ўрганилган маъданли майдонлар ҳам мавжуд. Уларни умумлаштириш эндоген маъданлашишнинг учта

гуруҳи, яъни: плутоногенли, вулқоногенли ва метаморфогенли конлар мавжудлигини қайд этишга имкон беради. Скарн-шеелитли, скарн-молибденит-шеелитли формацияларнинг Чақилкалон тоғларининг гранодиоритлари билан, апогранит-касситиритли, грейзен-касситиритли, кварц-касситиритли формацияларнинг Кулжуктоғ, Зирабулоқ-Зиёвуддин, Чақилкалон-Қоратепа тоғларининг лейкократли гранитлари билан, скарн-полиметалл, мис-молиден, кварц - полиметалл формацияларнинг диорит-гранодиорит таркибли кичик интрузиялар билан, кварц-адуляр-олтин маъданли, олтин-кумушли ва колчедан-полиметалли формацияларнинг вулқаноген ҳосилалар ва бошқа районлар билан узвий ассоциацияси ҳамда вақт бўйича алоқадорлиги аниқланмоқда.

Маъданли ҳудудлардаги эндоген маъданлашуви формацион қаторларни ҳосил қилгани ҳолда биридан иккинчисига ўтади, скарн-магнетитларнинг магнетитлига, магнетит-гематитлига; скарн-полиметалиларни кварц-полиметалиларга ва карбонат-полиметаллига, скарн-шеелитлиларни скарн-шеелит-сульфидлига, кварц-олтин маъданлиларнинг кварц-карбонат-олтин маъданлиларга ва карбонат-олтин-кумушлига ўтиши кузатилади. Ажратилган ва формацияларнинг бошқа қаторлари магматик комплекслар билан ассоциялашган ҳолда эндогенли маъданлашишнинг формацион турларини ташкил қилади, вольфрам, қалайи, олтин, мис ва б. шулар жумласига киради.

Формация қаторлари ва эндоген маъданлашувнинг формацион турлари макон ва замонда заифлашади, маъданли районлар ва провинцияларни ҳосил қилади. Буни геологик тузилиши, структура-формацион зоналарнинг ривожланиш тарихининг ўзига ҳослиги билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, Чақилкалон тоғларидаги скарн-шеелитли, скарн-шеелит-сульфидли, кварц-шеелит-сульфидли формация қаторлари гранодиоритли комплекслари билан Чақилкаландан Зиёвуддингача шеелитли маъданли районни, кейинчалик эса нодир металли металлогеник провинцияни ҳосил қилади.

Зарафшон-Олой камари ўрта ва кечки карбоннинг бурмаланиш фазалари билан боғлиқ. Тектоник ҳаракатлар палеозой охирида ушбу эгикликларнинг тутташишига ва кечки герцин бурмаланиш зоналарининг шаклланишига олиб келган. Ўзининг металлогеник моҳияти бўйича И.Х.Ҳамробоев (2021), «муфассал» нодир металли ва олтин маъданли ихтисосланишнинг етакчи аҳамияти бўйича кўшни Зарафшон-Туркистон зонасига ўхшаш. Ўрганилаётган ҳудуд Зирабулоқ-Қоратепа қалайи-вольфрамли камарга тегишли бўлиб, унинг доирасида скарн-маъданли конлар ва вольфрам, молибден, қалайи, олтин-кумушли ва полиметалли маъданлашиш намоён бўлиши аниқланган.

Маъданли районлар ва провинцияларда эндоген маъданлашишнинг жойлашиш қонуниятларини аниқлашда Ҳ.Н.Боймуҳамедов (1987) томонидан эндоген маъданлашиш жойлашишининг тўртта тури ажратилган: ўчоқ-зоналли, камарсимон, тугунли ва каркас (қобирға)-тугунли.

Жойлашишнинг ўчоқ-зоналли тури конларнинг скарн-магнетитли, скарн-шеелитли, скарн-молибденит-шеелитли, скарн-сульфид-олтин-мисли, скарн-полиметалли, грейзен-нодир металли ва бошқа формацияларини ҳосил қилади. Улар макон ва генетик жиҳатдан йирик батолитли гранитоидли ҳосилалар билан боғланган.

Камарсимон жойлашиш тури нодир метали-пегматитли, гидротермал-қалайи маъданли-олтин маъданли, симоб-сурмали ва бошқа формациялар учун хосдир. Интрузивли массивлар ва тегишли маъданлашишлар иккинчи ва учинчи тартибдаги бурмаланиш структураларга, шунингдек, ёриқлар зонасига бўйсунган ҳолда Зарафшон-Олойнинг (геологик ривожланиш тарихидан келиб чиққан ҳолда) магматизм хусусияти ва металлогениясининг ўзига хослигидан маъданли камарни ҳосил қилган ҳолда ўнлаб, баъзан эса юзлаб чақиримларга чўзилиб кетган ва фойдали қазилмаларнинг маълум турларига ихтисослашган.

Жойлашишнинг тугунли тури кўрғошин, рух, мис, олтин, флюорит ва минерал хомашёнинг бошқа турларининг скарн-гидротермал, гидротермал, вулканоген-гидротермал конлари учун хосдир. Маъданли районларда, улар катта бўлмаган интрузиялар ва турли таркибдаги дайкалар, вулқонли штоклар ва бошқа ҳосилалар билан узвий ассоциацияланган.

Каркас (қобирға)-тугунли жойлашиш тури рангли, нодир ва асл металларнинг плутоноген-гидротермал ва вулканоген-гидротермал конлари учун хосдир. Улар чуқур ёриқлар, бурмаланиш структураларининг кичик интрузиялари, дайкалар ҳамда вулқонли марказлар ва аппаратлари жойлашган ёриқлар билан кесишиш участкаларида жойлашган.

Вольфрам (шеелит) металлогенияси.

Диссертацияда скарн-маъданли конларнинг саноатбоп турлари, уларнинг Зарафшон-Олой металлогеник камарининг Зирабулоқ-Зиёвуддин, Қоратепа ва Чақилкалан маъданли комплексларига мувофиқ жойлашган Ингичка, Қоратепа, Яхтон ва бошқа конлардаги структуравий-текстуравий ўзига хослиги кўриб чиқилди.

Минерал таркиби бўйича маъданларнинг асли шеелитли ва шеелит-сульфидли турлари ажратилган. Охиргиси орасида маъданларнинг шеелит-молибденитли, шеелит-пирротин-халькопиритли, шеелит-галенит-сфалеритли минерал ассоциациялари ажралиб туради.

Шеелитли маъданлар ҳосил бўлиш шарт-шароитлари бўйича энг эртанги бўлиб, улар конларда турли жадалликда намоён бўлади. Асли шеелитли маъданлар устида шеелит-сульфидли ёки скарн-сульфид-нодир метали маъданлар жойлашган. Шеелит-сульфидли турдаги маъданларда микдорий нисбатда шеелит-пирротин-халькопиритли маъданлар ассоциацияси устунлик қилади, иккиламчи ўзгарган зоналардан олинган мономинерал халькопиритда олтин, шлифларда эса уларнинг майда якка дончалари аниқланган. Диссертация муаллифи О.Т.Разиқов ва б. (2015, 2021) томонидан амалга оширилган статистик таҳлил натижаларига кўра, бунда скарнли ётқизиклар ва ореол зонанинг барча позициялари учун вольфрам билан Mo, Bi, Ag, Zn, Cu, Sn ларнинг ижобий корреляцион алоқаси хосдир ва вариация коэффициентлари ўзаро жуда яқин.

Шеелит-галенит-сфалеритли майда томирлар ва томирчалари грейзенлашган тоғ жинсларида, шунингдек скарн маъданли таналарининг осма ёнларидаги мрамларда майда томир ва томирчалар қайд этилган. Каттасой ёриқлиги (Ингичка, Тим) билан боғланган маъданларнинг шеелит-галенит-сфалеритли ассоциациясининг жойланиши аниқланган. Шеелит-галенит-сфалеритли маъданларда кумушнинг аралашма-элементлари микдори галенитда

400 г/т. сфалеритда 100 г/т дан ортиқ ва 0,01-0,001% висмут ва қалайи аниқланган. Бу каби майда томирчалар, дайкаларнинг скарн жисмларини кесиб ўтган ҳолда, олтин маъданлашиш мавжуд апогранитли маъданларни ҳосил қилади.

Қалайи металлогенияси. Биз томондан ўрганилаётган ҳудуд (Зирабулоқ - Зиёвуддин, Чақилкалон-Қоратепа ва Қулжуктоғ маъданли комплекслар) доирасидаги чўкинди-метаморфик жинслар орасида гидротермал ўзгарган лапоритлар, диоритли порфирлар, гранодиорит-порфирларнинг дайкалари кенг ривожланган бўлиб, уларда касситерит, молибденит, шеелит, олтин ва бошқа минералларнинг тарқоқ ҳол-ҳолликлари учрайди.

Касситеритнинг саноатбоп даражадаги тўплами фақат ўзгарган лампрофирларда (Лапас) аниқланган. Ўзгарган доломитларда (Кўчқорли, Қиз қўрғон, Қизил Гура, Калтасой ва Лапас) касситеритнинг катта ажралишлари аниқланган. Кетмончи, Қутчи, Қорамасжид ва Бургут пегматит томирларида касситеритнинг катта бўлмаган миқдорлари қайд этилган.

